

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2026 йил март ойининг 4-куни, жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи суд раиси М.Марахимов, судья ёрдамчиси Ф.Қосимовнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан Ўзбекистон туман прокурори ёрдамчиси Д.Усмонова, судланувчи Х.Рахимов ва унинг ҳимоячиси “OZOD SHER XIMOYA PROF” адвокатлик бюроси адвокати К.Жўраевнинг иштирокида, Рахимов Хатамали Юсуповичга нисбатан 1-1504-2601/55-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Рахимов Хатамали Юсупович (Rahimov Xatamali Yusupovich), 1970 йил 1 апрелда Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ёлланма ишчи, оилали, икки нафар фарзандлари бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Кўқон шаҳар судининг 2014 йил 1 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;
2) жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг 2023 йил 7 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан 59-моддаси 2-қисми тартибида 4 йил озодликни чеклаш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг 2025 йил 14 апрелдаги ажримига асосан ўталмай қолган 2 йил 6 ой 2 кун озодликдан чеклаш жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, Ўзбекистон тумани, Катта Қайнар маҳалла фуқаролар йиғини, Сойбўйи кўчаси, 55-уйда яшайди, иш бўйича “Шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2026 йил 31 январь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Рахимов Хатамали Юсупович илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс бўлгани ҳолда, далалардан териб олган ёввойи наша



ўсимлиги баргларида ўтказиш мақсадини кўзламасдан, жами 9.97 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситасини тайёрлаб, яшаш хонадонида қонунга ҳилоф равишда сақлаб келган ва 2026 йил 6 январь куни Ўзбекистон туман ИИБ ходимлари томонидан уни яшаш хонадони ҳисобланган Ўзбекистон тумани, Катта Қайнар маҳалла фуқаролар йиғини, Сойбўйи кўчаси, 55-уйда тинтув ҳаракатлари ўтказилганида, ётоқхонасидаги тумба устида қоғозга ўралган, қуритилган ҳолдаги “марихуана” гиёҳвандлик воситаси, чекиш учун махсус тайёрланган бир дона баклашка, диван остида қоғозга ўралган “марихуана” гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланиб, ашёвий далил тариқасида олинган.

Вилоят 2-сонли суд наркология экспертизасининг 2026 йил 8 январдаги 6-сонли хулосасида, Х.Рахимов “Каннабиноидларга тобелик” гиёҳвандлик касаллиги билан оғриши ва гиёҳвандликдан мажбурий даволанишга муҳтож эканлиги кўрсатилган.

Судланувчи Х.Рахимов суд мажлисида, ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2020 йилда турмуш ўртоғи вафот этганидан кейин наша гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиб келишини, 2026 йил 6 январь куни соат 11ларда, маҳалладаги чойхонада ўтирган вақтида ИИБ ходимлари уни қўл телефонига телефон қилиб, яшаш уйига келишини сўрагани, уйига борган вақтида ИИБ ходимлари уни уйда текшириш ўтказишларини айтиб, ноқонуний нарса бўлса ўз ихтиёри билан беришини айтгани, шунда уларга уйда ҳеч қандай ноқонуний нарса йўқлигини айтиб, хонадонини текширишлари мумкинлигини айтгани, кейин ИИБ ходимлари ётоқхонасини текширган вақтида тумба устида қоғозга ўралган, қуритилган ҳолдаги наша гиёҳвандлик воситаси, чекиш учун махсус тайёрланган бир дона баклашка, диван остида қоғозга ўралган наша гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқлашгани ва ашёвий далил тариқасида олишгани, ҳақиқатдан ҳам ушбу гиёҳвандлик воситасини бундан анча вақт олдин далаларда ўсиб турган ёввойи наша ўсимлиги баргларида териб олиб, шахсий истеъмоли учун сақлаб келгани, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини айтиб, суддан енгиллик берилишини сўради.

Судланувчи Х.Рахимов ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлса-да, унинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида текширилган ва жиноят ишида мавжуд қуйидаги далиллар билан тасдиқланади, жумладан:

- гувоҳ Э.Юсуповнинг суддаги, 2026 йил 6 январь куни эрта билан ишга кетгани, орадан бир неча соат вақт ўтганидан кейин отаси Х.Рахимов унга телефон қилиб, уларига ИИБ ходимлари келишганини айтиб, уйига келишини тайинлагани, ишларини тугатиб, уйига келган вақтида дадаси Х.Рахимовни ИИБ ходимлари билан ИИБга кетганини билгани ва Яйпан шаҳрига келгани, кейинчалик шу куни ИИБ ходимлари томонидан дадаси Х.Рахимовни ётоқхонасида тумба устида қоғозга ўралган, қуритилган ҳолдаги “марихуана” гиёҳвандлик воситаси, чекиш учун махсус тайёрланган бир дона баклашка, диван остида қоғозга ўралган “марихуана” гиёҳвандлик воситаси борлиги



аниқлангани ва ашёвий далил тариқасида олингани ҳақида билгани ҳақидаги кўрсатуви;

- судда тарафларнинг розилиги билан кўрсатуви ўқиб эшиттирилган гувоҳлар Н.Қурбонов ва У.Рахмоновнинг терговдаги кўрсатуви;

- шунингдек, воқеа жойини кўздан кечириш ва ашёвий далилни олиб қўйиш ҳақида баённома (и.в.8-9);

- суд-кимёвий экспертизасининг 2026 йил 8 январдаги, Х.Рахимовни яшаш хонадонидан олинган қуруқ ҳолдаги, сарғиш-яшил рангли, ўткир хидли, майдаланган марихуана моддасига ўхшаш бўлган ўсимлик моддалари таркибида гиёҳванд тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлиб, ушбу ўсимлик моддаси “марихуана” дейилиши ва унинг соф оғирлиги 0.74 (нол бутун юздан етмиш тўрт) граммни ташкил этиши ҳақидаги 13-сонли хулосаси;

- суд-кимёвий экспертизасининг 2026 йил 8 январдаги, Х.Рахимовни яшаш хонадонидан олинган қуруқ ҳолдаги, сарғиш-яшил рангли, ўткир хидли, майдаланган марихуана моддасига ўхшаш бўлган ўсимлик моддалари таркибида гиёҳванд тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлиб, ушбу ўсимлик моддаси “марихуана” дейилиши ва унинг соф оғирлиги 9.23 (тўққиз бутун юздан йигирма уч) граммни ташкил этиши ҳақидаги 14-сонли хулосаси;

- суд-кимёвий экспертизасининг 2026 йил 8 январдаги, Х.Рахимовни яшаш хонадонидан олинган 0.5 литр ҳажмли оғиз қисмига резина билан ангишвона ўрнатилган, пастки қисми тешилган елим баклашканинг ички юзасидан этил спирти ёрдамида ажратиб олинган сарғиш-жигарранг рангли қолдиқ моддалар таркибида гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол қолдиқлари мавжудлиги ҳақидаги 15-сонли хулосаси ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиғини топади.

Суд, судланувчи Х.Рахимовнинг илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс бўлгани ҳолда, ўтказиш мақсадини кўзламасдан, жами 9.97 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сақлаб келганликда ифодаланган жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.



Суд, судланувчи Х.Рахимовга жазо тури ва унинг миқдорини тайинлашда, юқоридаги Пленум қарори тушунтиришларига амал қилиб, ЖКнинг 56-моддасида белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб ҳисоблайди, ЖКнинг 55-моддасига асосан қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ва оилада ягона боқувчи эканини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, унга нисбатан у содир этган жиноят учун жазо санкциясида кўрсатилган озоликдан маҳрум этиш жазоси тайинлашни, жиноятни жазони ўташ вақтида содир этганини инобатга олиб, жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг 2025 йил 14 апрелдаги ажримига асосан ўталмай қолган 2 йил 6 ой 2 кун озоликдан чеклаш жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озо қилиш ҳақидаги ажримини бекор қилиб, ЖКнинг 60-моддаси тартибида қўшиб жазо тайинлашни ҳамда иш бўйича ашёвий далил тариқасида олиниб, экспертиза жараёнида сарфланганидан қолган, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасида 2026 йил 21 январдаги №5610-сонли қвитанция асосида сақланаётган 9,51 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни ҳамда Х.Рахимов “Каннабиноидларга тобелик” гиёҳвандлик касаллиги билан касалланганлиги ва мажбурий даволанишга муҳтожлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ жойларида гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий тартибда даволаш чоралари қўллашни лозим топади

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Рахимов Хатамали Юсупович (Rahimov Xatamali Yusupovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Х.Рахимовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан 3 (уч) йил озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг 2025 йил 14 апрелдаги, Х.Рахимовни ўталмай қолган 2 йил 6 ой 2 кун озоликдан чеклаш жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озо қилиш ҳақидаги ажримини шартлиги бекор қилинсин ва ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида янги ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил 3 (уч) йил 1 (бир) ой озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони манзил-колонияларда ўтатирилсин.

Жазо муддати 2026 йил 4 март кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Х.Рахимовга нисбатан қўлланилган “Шахсий кафилик” эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд залидан қамоққа олинсин.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан Х.Рахимовга жазони ўташ жойларида гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий тартибда даволаш чоралари қўлланилсин.

Ашёвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасида 2026 йил 21 январдаги №5610-сонли қвитанция асосида сақланаётган 9.51 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нухасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Фарғона вилоят судига протест ёки шикоят келтириш ҳуқуқига эга.

Раислик қилувчи

/имзо/

М.Марахимов

Нухаси аслига тўғри

М.Марахимов

Маъсул судья: Марахимов Музаффаржон Мирзарахмонович

